

**Глобаллашув жараёнида кино ижодкорларга таълим-тарбия
беришнинг аҳамияти**

*“Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги”
кафедраси ўқитувчиси
Касимова Н.С.*

Аннотация. В этой статье рассказывается о роли фильмов в воспитание молодёжь особенно в время глобализации. В нём идёт речь о важности преподавания и подготовки молодых кадров в сфере кино искусства.

Annotation. In this article is spoken about role of films in the education especially in the globalization period. There is told about importance of teaching and training young personnel in the field of film art.

Калит сўзлар: режиссёр, сценарий, режиссёрлик сценарий, қисқа метражли фильм, образ, инсценировка, кадр, тасвирга олиш майдончаси.

Ключевые слова: режиссёр, сценарий, режиссёрский сценарий, короткометражный фильм, образ, инсценировка, кадр, съёмочная площадка,

Key words: director, screenplay, shooting script, short film, image, adaptation for screen, frame, shooting area.

Таълим тарбия бериш энг машаққатли иш бўлиб эътибор ва диққат талаб этади. Айниқса кино соҳасида янги кадрларни етиштириб чиқариш ўта маъсулиятли вазифа дейиш мумкин. Бугунги кунда дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида, мафкуравий таҳдид юзага келган бир даврда тасвирга олинаётган фильмларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки ёшлар фильмдаги қахрамонларга тақлид қиладилар ва уларга қайсидир маънода эргашадилар.

Президент И. А. Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида “бугунги кунда таълим - тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган

барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”[1] -деб бежизга таъкидлаб ўтмаганлар.

Юртимизда вояга етаётган ёшлар четдан кириб келаётган бузғунчи ғоя билан суғорилган фильмларни эмас, бунёдкор ғоя сингдирилган ўзбек фильмларини томоша қилиши учун эса юртимизда яратилаётган фильмлар муккамал бўлиб, унда ёшларни ўзига жалб эта оладиган шу билан бирга эзгуликка етаклайдиган ғоя акс этиши лозим. Ундан ташқари уларда ёшларни ўз ортидан эргаштирадиган, уларга ўрнатилган бўла оладиган бош қаҳрамонлар гавдалантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ўсмир ёшдаги болалар психологиясидан биламизки, ёшларга катталарнинг панд-насихат қилиши эриш туюлади, аммо ўзларининг тенгдошларига тезда эргашадилар.

“Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида”[2] 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан фармон қабул қилиниши ҳам бежизга эмас.

Шунинг учун ҳам ёш ижодкорларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Кино йўналишида ўзига хос ўқитиш методикаси бўлиб, ушбу методика талабаларга ўқиш даврида турли хил ижодий вазифалар беришга, назарий таҳлил ва уларни амалда тадбиқ қилиш юлларини ишлаб чиқишга ва талабаларда мослашув хусусиятини ривожлантиришга асосланган. Шу билан бирга Ижодий вазифалар талабаларда креатив ёндошув, назарий билимларни амалий машғулатлар билан ўзаро боғлашга асосланган. Вазифалар талабалар томонидан индивидуал кичик гуруҳ ва бутун гуруҳ ҳолатида бажарилишига

таксимланган. Машғулаотлар талабаларга сингдирилиши учун такрорланиб ва ҳар гал вазифалар мураккаблашиб боради.

Талабалар адабий материал танлаб ёки ёзиб уни таҳлил қилиб унинг мавзуси сюжети, карама-қаршилигини аниқлаб чиқишади. Театрлашган-шарт-шароит яратиш босқичида эса талабалар танланган инсценировкани сахналаштиришга ўтадилар. Талабалар сценарий устида иш олиб борадилар, аввалламбор 3-5 минутли қисқа метражли фильм сценарийси ёзишга ҳаракат қилиб кўрадилар, кейин уни таҳлил қиладилар. Сценарий таҳлил қилингандан сўнг у асосида режиссёрлик сценарий ёзишга ўтилади. Сценарий кадрларга бўлиб чиқилади. Бу ишлар талабалар томонидан қилинаётганда устозлар консультант вазифасини бажарадилар. Танланган асарлар гуруҳ даврасида муҳокама қилинади. Бу билан талаба ўз танлаган асарининг долзарблигини исботлаб беришга ўз фикрини ҳимоя қилишга ўрганади. Бу келгусида кинотанқидчилар ва журналистлар олдида ўзини қандай тутишга ва муомила қилишга тайёрлайди.[3]

Кейинчалик талабалар амалий ишга ўтадилар. Тайёр сценарий асосида тасвирга олиш ишлари йўлга қўйилади. Роллер ўзаро таксимланади. Режиссёр эса гуруҳни бошқариш йўл-йўриғини ўрганади. Бу бўлажак режиссёрларни келажакда тасвирга олиш гуруҳи билан ишлашга амалий тайёрлайди. Уларни нималарга эътибор бериш кераклигига ўргатди. Шу билан бирга гуруҳни ишга жалб қилиб улар билан тил топишишга, уларга қандай қилиб туғри вазифа юклашга ўргатади. Бу режиссёрларни келажакда тасвирга олиш майдончасига тушиб қолганларида ўзларини юқотиб қўймасликлари учун ёрдам беради.

Ниҳоят тасвирга олинган ижодий ишлар намойиши ўтказилиб талабалар бир-бирларининг ишларини кўриб ўрганадилар. Бу талабалар ўртасида дўстона рақобат уйғотиб уларни кўпроқ изланишга ва ижод қилишга ундайди. Талабалар ким ўзарга ижод қилар экан бир-бирига ўхшамаган топилмалар топишга ҳаракат қиладилар. Бу эса талабаларнинг фантазияси кенгайишига олиб келади. Ўзаро бахс-мунозара орқали улар фикр

алмашсалар, бир-бирларининг фильмларини кўриб эса тажриба алмашадилар. Бир-бирларининг хатолари орқали амалий малака орттира бошлайдилар. Бу жараёнда ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ҳолисона маслаҳат бериб уларга тўғри юл кўрсатиб боради. Бу билан ўқитувчи талабаларнинг мавзудан четга чиқиб кетишларининг олдини олади. Талабаларнинг ижодий ишлари турли хил фестивалларга тавсия этилади. Бу эса ўз ўрнида талабални рағбатлантириб янада кўпроқ изланишларига туртки бўлади.

Кино соҳасида ўқитиш методикаси авваламбор шахсни шакллантиришга асосланган. Унга кўра шахс индивидуал ривожланиши керак. Шу билан бирга бутун аудиторияда ижодий ёндошув хусусиятини шакллантириб санъат борасида назарий чуқур билим беришга қаратилган. Талабаларга сенсорли тарбия бериш билан уларни келажакда санъат соҳасида ўзини юқотиб қўймасликка ва жанрлар хилм-хиллиги ва тематик репертуар оқимода адашиб қолмасликка эришилади.[3] Умуман ушбу методикага кўра талабалар ижодий мустақил фикрлашга ўрганадилар бу жараёнда ўқитувчи юл бошлавчи вазифасини бажаради. Бу эса ҳар бир олий ўқув юртининг бош мақсадидир.

“Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кенематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда.[1]

Бу имкониятлардан унумли фойдалана оладиган ёш ижодкор ёшларни миллий руҳда тарбиялаш мураббий-устозлар олдига қўйилган олий мақсадлардан бирига айланмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият, Т: 2008, 129 бет,-146-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 16.03.2004 й.Н ПФ-3407
3. Федоров А.В. Медиаобразование:История, теория и методика. Ростов-на-Дону:..Изд-во ЦВВР, 2001.с-31,с-38